

**РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҚЎШИНЛАРИДА  
ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН  
ТАКТИК САФ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ**

**Ҳасанов Эркин Бахтиярович**

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси тингловчиси*

Ушбу мақолада Россия Федерацияси қуролли кучлари қўшинларида жанговар тайёргарлик доирасида ўтказиладиган тактик-саф машғулотларининг ўзига хос жихаталри.

На данном статье рассматриваются вопросы об организации и проведения тактико-строевого занятия подразделений и соединений Вооружённых сил Российской Федерации.

**Ключевые слова:** тактико-строевые занятия, тренировка, тактическая обстановка, служебно-боевая деятельность.

Россия Федерацияси қўшинларида тактик-саф машғулотлари ҳарбий хизматчиларга тактик тайёргарликдан тактик ҳаракат усулларини ўргатишда ва ўқитишида энг самарали таълим услуби, ҳамда тактик (тактик-максус) тайёргарликда жанговар биродарликда ва уларни бошланғич тарбиялашнинг шакллардан бири ҳисобланади.

Тактик-саф машғулотининг асосий мақсади шахсий таркибни жанг майдонида ўз маҳоратини оширишда якка тартибда ёки бўлинмалар таркибида ҳар ҳил тактик усулларга ва ҳаракатларга кўникмалар ҳосил қилиш ҳисобланади.

Тактик-саф машғулоти ўзининг моҳияти билан ҳарбий хизматчиларни, экипаж, ҳисоб (расчёт) ва секция таркибини жангга тайёрлашнинг асосий услуби ҳисобланади.

Тактик-саф машғулоти ҳарбий хизматчиларни якка таркибда тайёрлашда (жангчи, ҳисоб раками, экипаж, секция, бўлинма таркибида ва х.к), лозим бўлса гурух машғулотларида (ҳисоб, экипаж, секция, бўлинмаларнинг жипслашувида ва х.к.) ҳам ўтказилиши мумкин.

Тактик-саф машғулотини якка (индивидуал) тартибда ўтказиш ва тайёрлаш ҳарбий хизматчиларни жанг майдонида онгли равишида ҳаракат қилишга эмас, балки ҳаракатларни автоматик тарзда бажаришга, ҳамда жангни олиб бориш тактикаси асосини онгли равишида бажаришга йўналтиришдир. Тактик ҳаракатларни ва усулларни мустақил (индивидуал) бажаришда дикқатни асосан экипаж таркибига, ҳисоб рақамига ва алоҳида ҳарбий хизматчиларга (жангчи, мерган, пулемётчи ва х.к.) қаратилади. Бунда ўрнатилган меъёrlарни

бажариш, ўзига хос реал ҳаракатларга эътибор қаратиб, уларни аниқлик билан бажаришга қаратилади.

Тактик-саф машғулотини гурух машғулоти кўринишида ташкиллаштириш ва ўтказишида ҳисоб рақами, экипаж аъзоларини техника ва қуролларни жипсликда маҳорат билан қўллашни, ҳамда жангни гурух (взвод) таркибида олиб боришга йўналтиришни ўз ичига олади. Ҳисоб, экипаж, гурух таркиби билан жанговар жипсликни ўтказаётганда жанговар шароитга яқин яратилиб, ҳар бир ҳарбий хизматчига қўйилган жанговар вазифани бажаришда катта жавобгарлик, ҳаттоқи жангнинг натижаси боғликлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Тактик-саф машғулотининг ўтказиши мавзулари ҳар ҳил бўлиб, уни асосини ҳарбий хизматчиларни хақиқий жангда қўллайдиган усулларга тайёргарлик



савияси ташкил қиласди.

Тактик-саф машғулоти рота (взвод, батарея) ва батальон (дивизион) билан ўтказиладиган тактик (тактик-максус) ўқувлар олдидан, уларни барча турдаги жанговар ҳаракатларга тайёрлаш мақсадида ўтказилади.

Батальон (дивизион) тактик ўқуви мавзулари комплекс равишда бир неча жанг ҳаракатларини ўрганиш, тактик-саф машғулоти шундай йўлга қўйиладики, тактик (тактик-максус) ўқувни бошланишига бўлинмалар жангни ҳар бир турини кечаю-кундуз олиб боришга шай туриши лозим.

Тактик-саф машғулотларида, комплекс мавзулар бўйича ўтиладиган тактик ўқувларда жанговар вазифаларни бажариш жараёнида бўлинмалар қўллайдиган усуллар ўрганиб чиқилади.

Тактик-саф машғулотида бўлинмалар тактик ҳаракатларнинг асосий кўриниши мудофаа, хужум ва таъминловчи кўриниши бўлган марш, қўриқлов, разведка, тактик ҳаво десанти ва қўшинлар максус ҳаракатларида ҳаракат қилишни, ҳамда барча жанг турларида взвод, рота (батарея), батальон (дивизион) таркибида жойга жойлашишни ўрганади.

Жойга жойлашишни тактик-саф машғулоти сифатида ўрганиш мобайнида қўйидагиларга асосий эътибор қаратилади:

разведка олиб бориши турлари, мудофаа районини жиҳозлаш ва уни эгаллаш тартиби, мудофаа жангини олиб бориши, бўлинмаларни юриш колоннасидан жанговар тартибда ҳаракатланиши;

бўлинмаларни душман мудофаа чизигининг олдинги қиррасига ҳужум қилиш;

тўсиқларни, харобаларни ва жой майдонини, радиоактив ва заҳарли моддалар билан зааралangan жойларни босиб ўтиш;

қарши ҳужумга ўтган душманни йўқ қилиш усули;

сув тусиқларидан жанг қилиб кечиб ўтишдаги ҳаракати;

душманга ортдан ва қанотлардан ҳужум қилиш учун манёвр қилиш;

ҳалқаро террорчи экстремистик ташкилотларнинг қуролли тузилмаларини қидириб топиш, қуршовга олиш ва яксон қилиш, душман томонидан оммавий киргина қуролларни қўллаш оқибатларига бартараф этиш ва бошқа саволлар.

Тактик-саф машғулоти батальон (дивизион) таркиби билан мустақил ёки тактик ўқув ўказиши учун жалб қилинган қўшимча кучлар билан ўтказилиши мумкин.

Тактик-саф машғулотларида командирлар бўлинмаларни бошқариш бўйича (алоқа воситаларда ишлаш, буйруқ (фармойиш) ларни ва сигнал (команда) ларни бериш) ўз билим, маҳорат ва кўникмаларини такомиллаштиради.

Тактик-саф машғулотининг моҳияти бўлинмаларни турли жанглардаги ҳаракатларининг усул ва воситаларини олдин элементлар бўйича паст суръатда, кейин эса меъёрларда белгиланган (ўрнатилган стандарт) вақтларда бажарилмагунча ҳамда келишилган ва уйғун ҳаракатларга эришмагунча тақороран бажарилишидадир.

Ўқув саволлари ва усуллари бўлинмалар ҳаракатларининг тўлиқ ўзлаштирилмаган усул ва воситалари ўрганувчилар томонидан тўғри ва меъёрларда белгиланган вақтларда бажарилмагунча ҳамда бўлинмалар келишилган ва уйғун ҳаракатларга эришмагунча тақороран бажарилади. Ундан сўнг кейинги савол ўрганилади.

Тактик-саф машғулотини ўрганишни асосий услуби - тактик усулларни машғулот ўтказиши майдонида машқ қилиш ҳисобланади. Бундан ташқари намойиш қилиш, тушунтириш ва кўрсатиб бериш усулларини хам қўллаш мумкин.

Тактик-саф машғулоти дастлаб пиёда («пиёда-танқдагидек», «пиёда-машинадагидек» ёки «пиёда-вертолётдагидек») сўнг якуний қисмида барча кучайтириш воситалари билан биргаликда ўтказилади.

Тактик-саф машғулоти одатда, бир томонлама (душман томони кўрсатилмасдан) унча мураккаб бўлмаган тактик вазият ҳолатида ўтказилади.

Душман ҳолати ҳамда ҳаракат тартиби нишонлар ва макетлар билан белгиланади. Душманни ўт очишини кўрсатиш керак бўлган ҳолларда аскарлар ва керакли воситалар ажратилиши мумкин.

Тактик-саф машғулотида **2-3 та** ўқув саволларини ўрганиш (кўриб чиқиши) тавсия қилинади. Ҳар битта ўқув саволи дастлаб қисмларга бўлиб, кейин эса бутун бир ҳолда ўрганилади. Тактик-саф машғулотида бўлинмаларни жанг майдонидаги ҳаракатлари ўрганилади, ўз ичига жангни ташкиллаштиришни олган ўқув саволларини (вазифани аниқлаштириш, вақтни тақсимлаш, вазиятни баҳолаш, қарор қабул қилиш, бўлинмаларга жанговар вазифа қўйиш ва х.к.) ўрганиш тавсия қилинмайди. Бу ўқув саволлари командирлик тайёргарлиги тизимидағи тактик тайёргарлик машғулотларида ўқиб ўрганилади.

Вақтни тежаш мақсадида тактик-саф машғулотни ўтказиш мобайнида айрим ўқув саволларини бир томонга ҳаракатланиш вақтида, бошқа ўқув саволларини эса, орт томонга ҳаракатланаётганда ўрганиш тавсия қилинади.

Машғулот ўтказиш жойини ҳисобга олган ҳолда машғулотни туаш ўйналишда ҳам ўтказиш мумкин.

Батальон (дивизион) нинг тактик (тактик-маҳсус) тайёргарлик машғулотидаги ҳар бир мавзу битта жанг турини ўз ичига олиб, бир нечта кундузги (кечки) машғулотларда ўрганилиши мумкин. Мавзу мазмуни ва уни ўрганиш вақти жанговар тайёргарлик режасида белгиланади, лекин ҳар бир мавзу ўз ичига олган ўқув саволларини сонини, бўлинмаларда ўрганиб чиқилганлигини ҳисобга олган ҳолда машғулот раҳбари машғулот пайтида белгилайди.

Машғулотнинг давомийлиги ўқув раҳбарининг машғулотга қўйган мақсадидан келиб чикиб батальон билан **4- 6 соат** бўлиши мумкин.

Тактик-саф машғулотини пиёда, одатда бевосита командирлар рота (батарея) таркиби билан - рота (батарея) командири, батальон (дивизион) таркиби билан - батальон (дивизион) командири ташкиллаштиради ва ўтказади, моддий таъминот бўлинмаларида эса бошқа қўшин тури ва хизмат бошликлари, маҳсус қўшинлар бўлинмаларини жалб қилган ҳолда катта командир (бошлиқ) лар ўтказади.

Тактик-саф машғулоти одатда жихозланган ўқув тактик майдонида ўтказилади. Агар қисм жойлашувига яқин ўқув (дала) тактик майдони бўлмаса, унда жихозланмаган майдонларда батальон (рота) ни жанг олди ва жанговар тартибдаги барча элементларини жойлашувини, ҳамда уни ёйилишини ва йиғилишини сифдирадиган жой (худуд) да машғулот ўтказиш мумкин.

Душманни шартли белгилаш учун тактик комплектлар, ҳамда тайёrlанган бўлинма (команда) лардан фойдаланилади. Ҳар ҳил тўсиқлардан, ҳаробалардан ўтишни, заҳарланган худудларда ҳаракатланишини ўрганишда танкларни,

жанговар машиналарни, автомобилларни бошқаришни ўргатадиган жой (худуд)лардан, мұхсус ҳаракатларни мұхандис, кимё, алоқа, разведка, мерғанлар ва х.к.з. шахарчаларидан ҳамда бошқа дала-ўқув майдонларидаги объектлардан фойдаланиб ўргатилади.

Тактик-саф машғулотида ҳар бир ўқув саволини ўрганиб чиқиши учун тактик вазият яратилади. Тактик (дала) ўқув майдонларида нишонлар билан бергә отиш, портлаш ва мұхандислик иншоаттарини, түсиқ ва ҳаробаларини овози, ўқнинг учиши, двигателни ишлиши ва х.к.з., жанг эффективтини берувчи магнит лентаси (магнитофон)га ёзилған машғулотлар ва уни радиокарнай (овозкучайтиргич) орқали етказиш айниқса самарали ҳамда намунали бўлади.

Режалаштирилған ўқувда қўшин турлари ва маҳсус қўшинлар бўлинмаларининг батальон (дивизион) билан ҳамкорликда ҳаракатини ўрганиш мақсадида биргаликда тактик-саф машғулотини ўтказиш мумкин.

Бу ҳолда бўлинмалар кўчма радиостанциялар, сигнал байроқчалари ҳамда мегафон билан, кечаси эса электр фонар (ёритгич, нур қайтаргич) лари билан таъминланади.

Тактик-саф машғулотини ягона услубда ўтказиш мақсадида мавзуни ўрганиш олдидан юқори турувчи бошлиқ (командир)лар томонидан услубий-йўриқ ва кўргазмали машғулот ўтказилади.

Мотоўқчи (тоғ-ўқчи) бўлинмалари билан тоғ шароитида тактик-саф машғулотини ўтказишида жангда ҳаракатланиш усулларини бажаришдан ташқари шахсий таркиб билан тоғдаги түсиқлардан ўтиш техникалари ўрганилади.

Тактик-саф машғулотини тоғ шароитида ўтказишидан олдин тоғ анжомларини ва улардан фойдаланиш тартибини, эҳтиёт чораларини;

шахсий таркибни тоғ түсиқларини ошиб ўтиш техникаларини, тоғда ўт очиш усулларини, кундузи ва тунда жойларни аниқлашни;

жойни (окопларни) мұхандислик жихатдан жиҳозлашни ва бошқа саволларни ўрганиб чиқилади.

Бўлинмаларни вагонларга ва платформага юклаш, ҳамда бўлинмаларни улардан тушириш бўйича тактик-саф машғулотларини шунга мўлжалланган моддий қисмлар ёки маҳсус жиҳозланган макетларда ўрганилади.

Тактик-саф машғулотини муваффақиятли ўтказишга машғулот раҳбари (бўлинма командири) нинг юқори услубий ва касбий маҳорати, машғулотга пухта тайёргарлиги, машғулотни тўлик моддий таъминоти, душман ҳаракатини тақлид (имитация) қилиш ва шартли белгилаш воситалари билан таъминланишига боғлиқ.

Тактик саф машғулотлари бўлиши мумкин:

Назорат тактик-саф машғулотлари;

Тактик машғулотлар;

Назорат тактик машғулотлар.

### **Тактик-саф машғулотини тайёрлаш**

Машғулотга тайёргарлик тартиби бўлинма командирларининг шахсий тайёргарлигига, машғулотга тайёргарлик ва уни ўтказиш давомидаги ташаббускорлигига боғлик.

Тактик-саф машғулотига тайёргарлик қуидагиларни ўз ичига олади:

машғулот раҳбарини тайёргарлиги;

машғулот жойини ва моддий таъминотини тайёрлиги;

бўлинмаларнинг тайёргарлиги.

### **Машғулот раҳбарининг тайёргарлиги**

Машғулот раҳбари машғулотга тайёрланиш жараёнида қуидаги тадбирларни ўтказишга мажбур:

машғулот мавзусига оид раҳбари хужжатларни ўрганишга;

низом қоидаларини, қўлланма ва меъёрлар тўпламларини ўрганишга;

дастлабки маълумотларни белгилаш ва аниқлашга;

машғулотни ўтказиш режасини ишлаб чиқишга;

машғулот жойини рекогносцировка қилишга;

контракт бўйича ҳарбий хизматчи офицер ва сержантлар билан услубий-йўриқ машғулотини ўтказишга;

шахсий таркибни машғулотга тайёргарлигини ва уларни хавфсизлик қоидаларини билишини текширишга.

Машғулот раҳбари мавзуга оид раҳбари хужжатларни, низом қоидаларини, қўлланма ва меъёрлар тўпламларини ўрганиб дастлабки маълумотларни белгилайди ва аниқлайди.

Машғулотга тайёргарлик учун дастлабки маълумотлар: мавзу, машғулот мазмуни, ўқув ва тарбиявий мақсадлар, ўқув саволлари, машғулотга жалб қилинадиган бўлинмаларнинг таркиби, вақт (кун, тун), давомийлиги, ўтказиш жойи (райони), моторесурс ва таклид қилиш (имитация) воситаларининг сарфи. Дастлабки маълумотларнинг кўп қисми жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик режасида белгилаб қўйилади.

Белгиланган машғулотни мазмунини чукур англаш учун батальон (дивизион) командири мавзуга оид раҳбари хужжатларни ва адабиётларни ўрганиб, уша мавзуда қайси машғулот ва қандай сифатда, қанақа ўқув саволлари кераклигича ўрганилмаганлигини аниқлаши керак.

Етишмайдиган дастлабки маълумотларни машғулот раҳбари бўлган командир (бошлиқ) мустақил равишда ёки юқори турувчи командир (бошлиқ) лар тавсиялари асосида аниқлайди.

Батальон (дивизион) командири машғулот мавзусини ва мазмунини аниқлагандан сўнг, бўлинмалар ҳамда ҳар бир тоифа ўрганувчи учун тўлалигича машғулот ўқув саволларини ва тарбиявий мақсадини аниқлади. Машғулот раҳбари ўқув мақсадидан ташқари аниқ тарбиявий мақсадни белгилаб - ўрганувчидаги ўқув саволларини ўрганишда қандай фазилатлар (шакллантирмок, ишлаб чиқармок, сингдирмоқ, ривожлантирмок, оширмок) тарбияланишини белгилайди.

Ҳар бир тактик-саф машғулотнинг ўқув саволлари мазмuni ва сони, мавзунинг мазмунига, ўқув мақсадларига, машғулотнинг тайёргарлик ва давомийлигига боғлиқ. Батальон (дивизион) да битта тактик-саф машғулотини ўтказишида мавзунинг уч-тўрттадан кўп бўлмаган, кўпроқ бўлинмалар учун қийин бўлган жанг туридаги ҳаракатни ўрганувчи ўқув саволлардан иборат бўлади.

Ўқув раҳбари дастлабки маълумотларни аниқлаб тактик-саф машғулотнинг режасини тузишга киришади.

Тактик-саф машғулотни ўтказиш режаси-машғулот раҳбарининг асосий хужжати, унда ўқув саволларини ўтказиш тартиби кўрсатилади. Режа одатда коғозда чизма шаклида ёки катта масштабли ҳаритада ишлаб чиқилади ва у қуидагиларни ўз ичига олади:

дастлабки маълумотларни (мавзу, ўқув ва тарбиявий мақсадлар, вақти ва машғулот ўтказиш жойи, моддий-техник таъминот, шахсий таркибни тайёрлаш учун қўлланма);

машғулотнинг бориши (ўқув саволлари ва вақт тақсимоти, машғулот раҳбарининг ҳаракатлари, ўрганувчиларнинг ҳаракат чизмаси, бошқарув сигналлари);

тактик вазият (ўрганувчи бўлинмаларнинг дастлабки ҳолати, ўқув саволларини ўрганишда шартли душман ҳаракатининг кетма-кетлиги, қўшимча маълумотлар).

Бундан ташқари режада машғулотни ўтказиш жойига борища ва қайтишда ўзлаштириладиган саволлар ҳам ёритилади.

Машғулот қайерда ўтказилишидан қатъий назар: машғулот ўтказиш жойи таниш ёки нотанишми рекогносцировка албатта ўтказилиши шарт.

Машғулот раҳбари машғулот ўқув саволларини белгилаб олгандан сўнг, душманни ва ўрганувчиларни жойларда ҳолатини, душманни шартли белгилаш воситалари ва уларни ҳаракат хусусиятларини белгилайди.

Батальон (дивизион) алоҳида роталар таркиби билан ўтказиладиган тактик-саф машғулот режасини ўтказилишидан бир ҳафта олдин бригада командири тасдиқлайди.

Машғулот ўтказиш жойини тайёрлаш ва моддий таъминиот тактик-саф машғулот ўтказиш ҳудудининг ва моддий-техник таъминотнинг тайёргарлиги машғулотнинг сифатини ва самарадорлигини оширишга кўп микдорда ёрдам беради. Тайёргарликни ташкиллаштиришда машғулот раҳбари душманни, қўшни бўлинмаларни кўрсатиш ва отишни имитация қилиш учун қандай воситаларни қўллаш, машғулот жойини тайёрлаш учун қандай ишларни амалга ошириш кераклигини аниқлайди, қайси моддий воситалар, қанча микдорда ва қайси мухлатда тайёрланишини белгилайди ва аниқ жавобгар шахсларга вазифалар юклайди. Моддий-техник таъминот воситалари машғулотнинг ўкув мақсадлари ва саволларидан келиб чиқсан ҳолда минимал микдорда жалб этилади.

Машғулотни ўтказиш ҳудудини мохирона танлаш унинг сабоқлилигини оширишда муҳим ахамиятга эга. Одатда ҳудуд танлашда тактик ўкув даласи, ёки машғулотнинг барча ўкув саволларини сифатли машқ қилиш имкониятини берадиган майдон танланади.

Масалан, батальон (дивизион) нинг жанг олди ва жанговар тартибларга ёйилиш саволларини машқ қилиш учун, батальон (дивизион) нинг тўлиқ жанговар тартибини сиғдира олиш имконига эга бўлган, ўлчами фронт бўйича **4-5 км** дан кам эмас ва чуқурлиги **3-5 км** дан кам бўлмаган ҳудуд танланади.

Машғулот мудофаа мавзуси бўйича ўтказилаётганда бўлинмаларни яширин жойлашишига, ўт очиш тизимини ва яхши қузатишни ташкиллаштириш, ҳамда муҳандислик жиҳозлашни амалий ўрганишга ёрдам беради.

Машғулотни ўтказиш ҳудудини рекогносцировка қилиш пайтида батальон (взвод), батальон (дивизион) командири қуидагиларни аниқлайди: бўлинманинг дастлабки ҳолатини, ҳар бир ўкув саволини қўриб чиқиш тартиби ва тактик вазиятни, душман ҳаракатларини кўрсатиш тартиби ва бунинг учун зарур бўлган тактик майдонининг ускуналари ҳамда тактик комплектланини, майдонни тайёрлашдаги иш хажмини.

Услубий-йўриқ машғулоти дарс жадвалида режалаштиralади.

Тактик-саф машғулоти раҳбари дастлабки маълумотларни чуқур ўрганиб, аниқлик киритгандан сўнг машғулотни ўтказиш режасини тузишга киришади.

Батальон (дивизион) командири машғулотни ўтказиш режасига асосан машғулот бошланишидан 1-2 кун олдин контракт бўйича ҳарбий хизматчи офицер ва сержантлар таркиби билан услубий-йўриқ машғулоти ўтказади ва

ўқув саволларини ўрганиш бўйича аниқ кўрсатмалар беради.

Агар ушбу мавзуу бўйича услубий-йўриқ машғулоти ўтказилмаган бўлса, контракт бўйича ҳарбий хизматчи сержантлар таркиби рекогносцировкага қатнашмаган бўлса, унда улар билан кўрсатма (йўриқнома) лар жойида ўтказилади.

Батальон (дивизион)

командирининг кўрсатмасига асосан контракт бўйича ҳарбий хизматчи офицер (взвод, рота (батарея) командирлари) ва сержантлар таркиби машғулот ўтказиш учун ўз (услубий қўллэзма) режа (режа-конспект) ларини ишлаб чиқиб батальон (дивизион) командирига тасдиқлатади.

Взвод ва рота (батарея) командирлари режаларини тасдиқлатгандан сўнг машғулот мавзусига оид назарий қоидаларни ўрганади. Рота (батарея) командири шахсий таркиб билан режалаштирилган мавзуу бўйича машғулотларга тегишли хавфсизлик чораларини етказиб улардан синовлар қабул қиласди.

Бўлинмалар шахсий таркиби машғулот етказиш арафасида мавзуга оид ўқув уўлланмалар, жанговар низомлар, йўриқномалар талабларини ва бошқа адабиётларни, шунингдек хавфсизлик чораларини ўқиб ўрганишади.

Тактик-саф машғулот мавзуси асосида ўқув-услубий видеофильмларни томоша қилиш ва уларни қисқача муҳокама қилиш шахсий таркиб тайёргарлигининг самарадорлигини янада оширади.

**Хуласа қилиб шуни таъкидлаш мумкинки,** Куролли Кучларда бўлинмаларга юклатилган жанговар вазифани муваффакиятли ва ўз вақтида бажариш, кўпроқ тинчлик давридаги жанговар-хизмат фаолият давомида жанговар тайёргарлик машғулотларини сифатли ташкиллаштириш ва ўтказиш орқали эришилади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБААЛАР:**

1. Халилов М.Ш., Тактик-саф машғулотини ташкиллаштириш ва ўтказиш услубияти. Тошкент., -2014, 36 б.
2. <http://www.compancommand.com> Мурожаат санаси 22.12.2023 й.
3. [http:// www.wikipediya.ru](http://www.wikipediya.ru) Мурожаат санаси 22.12.2023 й.